

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
РЕСПУБЛИКА ТАЪЛИМ МАРКАЗИ**

**Илғор педагогик технологиялар асосида
Давлат ва ҳуқуқ асослари фани бўйича тайёрланган**

Дарс ишланмалар

Тошкент 2011

Сўз боши

Баркамол шахсни тарбиясини ташкил этиш барча даврларда ҳам ижтимоий жамиятнинг муҳим талаби ва асосий мақсади бўлиб келган. Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши таълим муассасаларининг олдига янги демократик давлатнинг фуқароларини шакллантиришдек муҳим вазифани қўйди.

Шу сабабли ҳам, узлуксиз таълим тизимида фаолият кўрсатаётган ходимларни шу йўналишдаги кўникма ва малакаларни оширишга қаратилган амалий ишлар ҳозирги куннинг асосий вазифаларидир.

Ушбу Давлат ва ҳуқуқ асослари фанини ўқитишда қўллаш учун тавсия этилаётган дарс ишланмалар юқоридаги мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб тайёрланган. Қуйида намуна сифатида

8-синф “Ҳуқуқ нормалари”, “Ҳуқуқбузарлик”, **9-синф** “Жамоат бирлашмалари ва оммавий ахборот воситалари”, “Ўзбекистон Республикасида молия ва кредит” номли дарс ишланмалари тавсия этилмоқда.

Фан: Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи асослари.

Синф: 8

Мавзу: Ўзбекистонда фуқаролик жамияти асослари. (10-дарс)

Машғулотнинг технологик харитаси ва ўтказилиш ишланмаси

Мавзу:	Ўзбекистонда фуқаролик жамияти асослари. <i>(1 соат)</i> .
Мақсад ва вазифалар	- ўқувчиларда фуқаролик жамияти асослари, фуқаролик жамиятига эришиш усуллари, ҳуқуқий давлатнинг асосий моҳияти, Ўқувчиларнинг фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат ҳақидаги билимларини бойитиш. ҳуқуқий давлат куриш усуллари ҳақидаги билимларини шакллантириш; - фуқаролик жамиятига етишиш учун ҳар бир фуқарони бурчи ва вазифалари ҳақида тушунтириш орқали қонунларга риоя этиш руҳида тарбиялаш.
Ўқув материали мазмуни	Норма, гипотеза, диспозиция, санкция.
Ўқув жараёнини ташкил этиш технологияси	Шакл: интерфаол машғулот: гуруҳларда ишлаш. Метод: Ақлий ҳужум, оғзаки баён, тушунтириш, матн билан ишлаш, фикр алмашуви. Восита: - дарслик; компьютер техникаси; синф хонасини гуруҳларда ишлаш учун тайёрлаш; Усул: жадвал, диаграмма, машқлар. Назорат: кузатиш, назорат саволлари, назорат машқлари. Баҳолаш: рағбатлантириш, ўз-ўзини баҳолаш, балл тизими.
Кутиладиган натижалар	Ўқитувчи: Мавзу асосида тўлақонли маълумот бериб, ўқувчилар билимини оширади. Машғулотда қўлланилган методлар, мустақил иш бўйича тарқатма материаллар асосида мавзу бўйича ўқувчиларнинг билим, кўникма, малакаларини оширади. Ўқувчи: Мавзу бўйича янги билимлар эгаллайди. Мавзунинг асосий мазмуни бўйича мустақилликнинг қадрига етиш, озодлик, ҳурлик, ватанпарварлик ҳислари кучаяди.
Келгуси режалар	Ўқитувчи: Навбатдаги мавзу учун машғулот материалларини қайтадан кўриб чиқиш, машғулотни таҳлил қилиш, мавзуни қўшимча маълумотлар билан бойитиш, машғулот методикаси ва техникасига ўзгартириш киритиш, кейинги машғулотни ўтказишга тайёргарлик кўриш. Ўқувчи: “Инсон ва фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва

	эркинликлари” мавзусини ўқиб, асосий маъно-мазмунини конспект қилиш, асосий тушунчаларни эслаб қолиш, савол-жавобга тайёргарлик кўриш, қўшимча манбаларни излаб топиш
--	---

Машғулот босқичлари.

Босқичлар	Мазмуни	Методлар	Вақти
1-босқич Ташкилий қисм	Саломлашув. Машғулотнинг бориши ҳақида тушунча бериш.	оғзаки мулоқот	3 дақиқа
2-босқич Мотивация	Ўқитувчининг мавзу асосида кириш сўзи. Машғулот мавзуси ва мазмунини ўқувчилар билан ҳамкорликда аниқлаб олиш.	“Ақлий ҳужум” асосида	4 дақиқа
3-босқич Мавзу ва амалий иш баёни	Ўқитувчининг мавзу мазмуни тўғрисидаги суҳбат-маърузаси – жамоавий иш ва гуруҳлардаги мустақил иш	Оғзаки баён, тушунтир иш, савол- жавоб, матн билан ишлаш, гуруҳлар тақдимоти	15 дақиқа
4-босқич Мустаҳкамлаш	Мавзу бўйича ўқувчиларни билимлари, тушунчаларини гуруҳда, жуфтликда, якка тартибдаги фаолиятлари орқали аниқлаш	“Бинго” ўз-ўзини баҳолаш	20 дақиқа
5-босқич Машғулот яқуни ва мустақил иш учун топшириқ	Фикр алмашувини ўтказиш, машғулотни яқунлаш, мустақил иш учун топшириқ бериш	Фикр алмашуви	3 дақиқа

Дарсинг мақсади:

Вазифалар:


- ўқувчиларда фуқаролик жамияти асослари, фуқаролик жамиятига эришиш усуллари, ҳуқуқий давлатнинг асосий моҳияти, ҳуқуқий давлат куриш усуллари ҳақидаги билимларини шакллантириш;

- фуқаролик жамиятига етишиш учун ҳар бир фуқарони бурчи ва вазифалари ҳақида тушунтириш орқали қонунларга риоя этиш руҳида тарбиялаш.

Керакли материаллар, жиҳозлар ва синфни ҳозирлаш:

- дарслик;
- компьютер техникаси, Ўзбекистон давлатининг тузилиши ва бошқарув шакллари ақс эттирилган слайдлар;
- синф хонасини гуруҳларда ишлаш учун тайёрлаш.

Гуруҳларнинг тахминий жойлашуви.



Асосий тушунчалар:

- ҳуқуқий давлат;
- ҳуқуқий маданият;
- фуқаролик жамияти;
- коррупция;
- ижтимоий адолат.

Дарс тури: Аралаш.

Дарсда қўлланиладиган метод: ФСМУ технологияси, гуруҳларда ишлаш.

Дарснинг бориши:

I. Ташкилий қисм - 3 дақиқа. Саломлашиш, давоматни аниқлаш, ўқувчиларни дарсга ҳозирлаш, ўқувчиларни гуруҳларга бўлиш учун синфга киришда уларга турли рақамлар ёки тасвирлар туширилган карточкалар берилади ва ушбу рақам ёки тасвир қўйилган стол атрофига ўтириш таклиф этилади.

II. Ўқувчиларни ўтилган мавзуларни такрорлаш асосида янги мавзуга тайёрлаш бўйича саволлар – 10 дақиқа

- Қандай давлат тури ҳуқуқий давлат дейилади? (Қонун устуворлиги таъминланган давлат)

- Ҳуқуқий маданият деганда нимани тушунасиш? (Фуқароларнинг мавжуд қонунлар ва ҳуқуқий нормаларни етарли даражада ўрганиши ва уларга онгли риоя этиши)

- Фуқаролик жамияти қандай жамият? (Унда инсонга ўз иқтисодий ва сиёсий ҳаёт шаклини эркин танлаш кафолатланади, инсоннинг умумий ҳуқуқлари қарор топтиради, мафкуравий плюрализм таъминланади)

- Коррупция нима? (Мансабдор шахсларнинг порага сотилиши)
- Қайси ҳолатда коррупция вужудга келади? (Фуқароларнинг қонунларга тўла риоя этмаслиги ва лоқайдлик оқибатида)

Савол-жавоб тугагач ўқитувчи томонидан янги мавзу эълон қилинади.

III. Янги мавзу: Ўзбекистонда фуқаролик жамияти асослари.

Янги мавзуни ўтиш режаси:

1. Янги мавзу бўйича суҳбат ўтказиш - 10 дақиқа.

А) Давлат тузилиши ва бошқаруви.

Б) Жамият шаклланиши.

С) Жамият ва фуқаролик жамиятининг фарқи.

Д) Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг шаклланиши .

2. Гуруҳларга мавзуга оид вазиятли масалалар бериш (2 илова).

Берилган вазиятларни янги берилган билимлар асосида амалиётга боғлаш учун ФСМУ технологиясидан фойдаланиш - **15 дақиқа.**

Гуруҳларга берилган вазиятлар бўйича ФСМУ технологияси асосида фикр билдиринг деб топшириқ берилади.

Ф-фикрингизни баён этинг

С-бу фикрга келиш сабабини кўрсатинг

М-кўрсатган сабабларингизни мисол билан исботланг

У-Фикрларни умумлаштиринг.

Ўқувчилар берилган топшириқларни дафтарига ёзиб олади.

Гуруҳ аъзолари ўзаро муҳокамадан сўнг бир қарорга келиб, гуруҳ аъзоларидан бир киши чиқиб тақдимот қилади.

IV. Ўқувчилар билимини баҳолаш ва баҳоларни эълон қилиш – 3 дақиқа.

Ўқувчиларни баҳолашда синф доскаси гуруҳлар сонига қараб бўлинади ва ўқувчилар иштирокига қараб баҳолаб борилади. Дарс охирида гуруҳлар томонидан тўпланган баллар умумлаштирилади.

V. Уйга топшириқ бериш, дарсни яқунлаш – 4 дақиқа.

Уйга вазифа: Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан мавзуга оид моддаларни конспект қилиш ва ўрганилган билимлар асосида кроссворд тайёрлаш.

1-илова

1-гуруҳ:

Африкадаги бир давлатда фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларини ҳимоялашни кучайтириш мақсадида, сиёсий партиялар фаолиятини тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилинди, яъни энди давлат ишларини бошқаришда ҳар бир фуқаро шахсан ўзи қатнашиши мумкин бўлар экан.

2-гурух:

Бир давлатда фуқаролар ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун кўпроқ жамоат ташкилотларига мурожаат қилаётганлиги сабабли, жамоат ташкилотларининг фаолияти чеклаб қўйилди.

3-гурух:

Яна бир давлатда фуқароларнинг шахсий ҳаётига давлатнинг ортиқча аралашшига йўл қўймаслик мақсадида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва кўппартиявийлик тизимни ривожлантириш тўғрисида бир қанча қонунлар қабул қилинди.

Ҳудди шу сўзлар ёзилган қоғоз ҳар бир ўқувчига тарқатилади.

Ўқувчилар ФСМУ технологияси бўйича жавобларни аввал ўз қоғозига ёзади. Кейин гуруҳ аъзолари билан бирга берилган саволга умумий жавобни ватманга ёзадилар. Ҳар бир гуруҳ вакили ўз жавобларини ҳимоя қилади. Ўқитувчи гуруҳлар жавобини тинглаб, уларни умумлаштиради.

VII. Ўқитувчи проектор орқали ўтилган мавзулар бўйича слайдларни ўқувчиларга намойиш этиб, мавзунини умумлаштиради ва баҳоларни қайд этувчи гуруҳ аъзолари ҳисоботини эшитади.

- ФСМУ технологияси бўйича ҳар тўғри жавоб учун 5 балл, тўлиқ бўлмаган 2 та тўғри жавоб учун 4 балл, лўқма тарзида берилган жавоб учун 3 балл, жавоб бермай музокарада иштирок этгани учун 2 балл, муҳокамада пассив иштирок этгани учун 1 балл, муҳокамада ва жавоб беришда иштирок этмагани учун 0 балл берилади. Ўқувчи 20 дан 25 баллгача тўпласа - 5 баҳо, 14 дан 19 баллгача тўпласа 4 баҳо, 8 дан 13 баллгача тўпласа 3 баҳо, 3 дан 7 баллгача 2 баҳо, ундан паст 1 баҳо билан баҳоланади.

Уйга вазифа: Ўтилган мавзу юзасидан кроссворд тайёрлаб келиш.

Фан: Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи асослари.

Синф: 8

Мавзу: Ҳуқуқий нормалар (20-дарс)

Машғулотнинг технологик харитаси ва ўтказилиш ишланмаси

Мавзу:	Ҳуқуқий нормалар. <i>(1 соат)</i> .
Мақсад ва вазифалар	<ul style="list-style-type: none">- Ўқувчиларда давлат томонидан белгиланган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи қоидалар ҳақидаги тушунчаларни шакллантириш;- ўқувчиларда ҳуқуқ ва ҳуқуқбузарлик, қонунийлик ва қонунбузарлик тушунчалари ҳақидаги билимларни шакллантириш;- давлатда ва жамиятда белгиланган ҳуқуқ нормаларини тушунтириш орқали қонунларга риоя этиш руҳида тарбиялаш.
Ўқув материали мазмуни	Норма, гипотеза, диспозиция, санкция.
Ўқув жараёнини ташкил этиш технологияси	<p>Шакл: интерфаол машғулот: гуруҳларда ишлаш.</p> <p>Метод: Ақлий ҳужум, оғзаки баён, тушунтириш, матн билан ишлаш, фикр алмашуви.</p> <p>Восита: - дарслик; компьютер техникаси; синф хонасини гуруҳларда ишлаш учун тайёрлаш;</p> <p>Усул: жадвал, диаграмма, машқлар.</p> <p>Назорат: кузатиш, назорат саволлари, назорат машқлари.</p> <p>Баҳолаш: рағбатлантириш, ўз-ўзини баҳолаш, балл тизими.</p>
Кутиладиган натижалар	<p>Ўқитувчи: Мавзу асосида тўлақонли маълумот бериб, ўқувчилар билимини оширади. Машғулотда қўлланилган методлар, мустақил иш бўйича тарқатма материаллар асосида мавзу бўйича ўқувчиларнинг билим, кўникма, малакаларини оширади.</p> <p>Ўқувчи: Мавзу бўйича янги билимлар эгаллайди. Мавзунинг асосий мазмуни бўйича мустақилликнинг қадрига етиш, озодлик, ҳурлик, ватанпарварлик ҳислари кучаяди.</p>
Келгуси режалар	<p>Ўқитувчи: Навбатдаги мавзу учун машғулот материалларини қайтадан кўриб чиқиш, машғулотни таҳлил қилиш, мавзуни қўшимча маълумотлар билан бойитиш, машғулот методикаси ва техникасига ўзгартириш киритиш, кейинги машғулотни ўтказишга тайёргарлик кўриш.</p> <p>Ўқувчи: “Инсон ва фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари” мавзусини ўқиб, асосий маъно-мазмунини конспект қилиш, асосий тушунчаларни эслаб қолиш, савол-жавобга тайёргарлик кўриш, қўшимча манбаларни излаб</p>

ТОПИШ

Машғулот босқичлари.

Босқичлар	Мазмуни	Методлар	Вақти
1-босқич Ташкилий қисм	Саломлашув. Машғулотнинг бориши ҳақида тушунча бериш.	оғзаки мулоқот	3 дақиқа
2-босқич Мотивация	Ўқитувчининг мавзу асосида кириш сўзи. Машғулот мавзуси ва мазмунини ўқувчилар билан ҳамкорликда аниқлаб олиш.	“Ақлий ҳужум” асосида	4 дақиқа
3-босқич Мавзу ва амалий баёни	Ўқитувчининг мавзу мазмуни тўғрисидаги суҳбат-маърузаси – жамоавий иш ва гуруҳлардаги мустақил иш	Оғзаки баён, тушунтириш, савол-жавоб, матн билан ишлаш, гуруҳлар тақдимооти	15 дақиқа
4-босқич Мустаҳкамлаш	Мавзу бўйича ўқувчиларни билимлари, тушунчаларини гуруҳда, жуфтликда, яқка тартибдаги фаолиятлари орқали аниқлаш	“Бинго” ўз-ўзини баҳолаш	20 дақиқа
5-босқич Машғулот якуни ва мустақил иш учун топшириқ	Фикр алмашувини ўтказиш, машғулотни яқунлаш, мустақил иш учун топшириқ бериш	Фикр алмашуви	3 дақиқа

№	Дарс босқичлари	Вақти
1	Ташкилий қисм	3 дақиқа
2	Ўқувчиларни ўтилган мавзуларни такрорлаш асосида янги мавзуга тайёрлаш бўйича саволлар	5 дақиқа
3	Янги мавзу бўйича суҳбат ўтказиш	10 дақиқа
4	Берилган вазиятларни янги берилган билимлар асосида амалиётга боғлаш учун ФСМУ технологиясидан фойдаланиш.	15 дақиқа
5	Дастлабки гуруҳларга қайтиш	5 дақиқа

6	Гуруҳлараро савол-жавоб	6 дақиқа
7	Ўқувчиларни баҳолаш ва дарсни якунлаш	5 дақиқа

Дарсинг бориши:

I. Ташкилий қисм – 3 дақиқа. Саломлашиш, давоматни аниқлаш, ўқувчиларни дарсга ҳозирлаш, ўқувчиларни гуруҳларга бўлиш учун синфга киришда уларга турли рақамлар ёки тасвирлар туширилган карточкалар берилади ва ушбу рақам ёки тасвир қўйилган стол атрофига ўтириш таклиф этилади.

II. Ўқувчиларни ўтилган мавзуларни такрорлаш асосида янги мавзуга тайёрлаш бўйича саволлар – 5 дақиқа

- Объектив ҳуқуқ нима? (ҳуқуқ нормаларининг йиғиндиси)
- Субъектив ҳуқуқ нима? (маълум бир шахс ёки гуруҳга тегишли бўлган ҳуқуқ – субъектив ҳуқуқ дейилади)
- Ахлоқ билан ҳуқуқ тушунчалари қандай фарқланади? (Ахлоқ – кишининг жамиятдаги хулқ-атворини тартибга солувчи талаб ва қоидалар йиғиндиси, ҳуқуқ эса давлат томонидан ўратилган ва у томонидан ҳимоя қилинувчи барча учун мажбурий бўлган хулқ-атвор қоидалар тизими)
- Ҳуқуқ қандай функцияларни бажаради? (тартибга солиш, қўриқлаш, тарбиялаш).

Савол-жавоб тугагач ўқитувчи томонидан янги мавзу эълон қилинади.

III. Янги мавзу: Ҳуқуқ нормалари.

Янги мавзунинг ўқиш режаси:

1. Янги мавзу бўйича суҳбат ўтказиш - 10 дақиқа.

A) Ҳуқуқ нормаси.

Давлат томонидан ўрнатиладиган ва маъқулланадиган, муайян шаклда ифодаланадиган, ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган умуммажбурий хулқ-атвор қоидалари. Бу қоидаларни бузиш юридик жавобгарликка олиб келади. Ҳуқуқий нормалар уларда мустаҳкамланган қоидаларнинг характериға қараб *ҳуқуқ ва ваколат берувчи, мажбурият юкловчи ва таъқиқловчи (ман қилувчи) нормаларга* ажратилади. 1) Ҳуқуқ субъектиға муайян ҳаракатларни содир этиш мумкинлигини кўрсатувчи ҳуқуқий нормалар *ҳуқуқ ва ваколат берувчи нормалар* дейилади. Масалан, Ўз.Р Конституциясининг 29-моддасига биноан, “Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқиға эға...” 2) Ҳуқуқ субъектиға муайян ҳаракатларни содир этиш лозимлигини (шартлигини) кўрсатувчи ҳуқуқий нормалар *мажбурият юкловчи нормалар* дейилади. Масалан, Ўз.Р Конституциясининг 51-моддасида “Фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашға мажбурдирлар” дейилган ва бу қоида мажбурият юклаш характериға эға. 3) Ҳуқуқ субъектиға муайян хатти-ҳаракатларни содир этишни ман қилувчи нормалар *таъқиқловчи нормалар* деб аталади. Масалан, Ўз.Р Конституциясининг 58-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган “...Давлат органлари

ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралашшига, шунингдек жамоат бирлашмаларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашшига йўл қўйилмайди” деган қоида таъқиқловчи норма ҳисобланади. Булардан ташқари, ҳуқуқий нормалар бошқа бир қатор мезонлар асосида ҳам таснифланади. Жумладан, ҳуқуқий нормалар ўзида хатти-ҳаракатни шакллантиришнинг мавҳумлигига қараб *абстракт (мавҳум) ва казуистик нормаларга*, гипотезада мустаҳкамланган ҳолатнинг фактик жиҳатлари аниқ ёки нисбий эканлигига қараб *аниқ ва нисбий аниқ нормаларга*, гипотезанинг ҳажмига қараб *оддий, мураккаб ва альтернатив нормаларга*, диспозициянинг аниқлигига қараб *мутлақ аниқ, нисбатан аниқ ва бланкет нормаларга*, ҳуқуқий тартибга солиш усулига кўра *императив ва диспозитив нормаларга*, субъектларига қараб *умумий ва махсус нормаларга*, ҳаракатланиш ҳудудига қараб *умумий ҳаракат қилувчи ва маҳаллий миқёсда ҳаракат қилувчи нормаларга* бўлинади. Шунингдек, ҳуқуқни қўриқловчи нормалар санкцияларнинг аниқлигига қараб *мутлақ аниқ ва нисбатан аниқ нормаларга* ҳам бўлинади. Ҳуқуқ соҳаларида эса ҳуқуқ нормаси халқаро, конституциявий, маъмурий-ҳуқуқий, фуқаровий-ҳуқуқий, жиноий-ҳуқуқий ва б. турларга ажратилади. Ҳуқуқ нормаларининг ички таркиби мантиқан қуйидагилардан иборат: гипотеза – ҳуқуқ нормаларининг қўлланиш шарти; диспозиция – юриш-туриш, хулқ-атвор қоидалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлар ифодаси; санкция – ҳаракатнинг давлат – ҳуқуқий нуқтаи назардан баҳоланиши, қонун бузилиши натижасида давлат томонидан қўлланиладиган ҳуқуқ нормаларига риоя қилишга мажбур этувчи чора.

Б) Гипотеза.

Ҳуқуқ нормасида белгиланадиган қоида қандай шароит ва ҳолатда ким томонидан амалга оширилиши кўрсатилади. Гипотеза ҳуқуқ нормасининг бир қисми бўлиб, унда диспозицияда кўрсатилган қоиданинг кучга кириши учун зарур бўлган муайян аниқ ҳаётий ҳолатлар (воқеа, ҳаракат, ҳолатлар) ўзининг ифодасини топади.

С) Диспозиция - (лотинча *dispositio*–жойлашув) – ҳуқуқ нормасининг таркибий қисми бўлиб, унда гипотезада кўрсатилган ҳолатлар мавжуд бўлганида ҳуқуқ субъектлари риоя этишлари лозим бўлган хатти-ҳаракат қоидаси (ҳуқуқ ва мажбуриятлари) ифодаланган бўлади. Д.нинг *қуйидаги турлари мавжуд*: императив (аниқ кўрсатилган, буйруқ берувчи); нисбий белгиланган; бланкет (ҳавола этувчи); тавсифловчи (тўлиқ баён этилган) ва б.

Диспозиция жиноят ҳуқуқида махсус қисм нормалари – ижтимоий хавфли қилмиш белгиларининг ифодаланувчи қисми. Д.да алоҳида жиноятлар ва шу жиноятларнинг таърифи берилади. Жиноят ҳуқуқий нормаларда д.нинг қуйидаги тўрт тури: оддий, тасвирлов, бланкет ва ҳаволали турлари назарда тутилади. Оддий д.да жиноят таркибининг белгилари ифодаланмасдан, жиноятнинг умумэътироф этилган номи кўрсатилади. Бундай д.да жиноятнинг белгилари очиб кўрсатилмайди. Бундай д.лар «номланувчи д.» деб ҳам аталади. Тасвирловчи д.да муайян жиноят турининг белгилари кўрсатилади. Мас.,

фирибгарлик жиноятини ифодаловчи ЖК 168-м.да жиноятнинг номи кўрсатилмасдан, унинг асосий белгилари ҳам кўрсатиб берилган: фирибгарлик, яъни алдаш ёки ишонччи суистеъмом қилиш йўли б-н ўзганинг мулкини ёки мулкый ҳуқуқини қўлга киритиш. Бланкет д.да муайян жиноятнинг белгилари бошқа ҳуқуқ соҳасига оид қонунлар ёки меъёрий ҳужжатлар асосида аниқланади. Мас., ЖК 200-м. д.си, унда ветеринария ёки зоотехника қоидаларини бузиш ҳайвон ёки паррандалар эпидемияси (эпизотияси) тарқалишига, уларнинг ялпи қирилиб кетишига ёки бошқа оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлса ушбу м. б-н жавобгарликка тортишга асос бўлади, дейилган. Ветеринария қоидалари ва зоотехника қоидалари ЎЗР қонунлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ёки тегишли вазирликларнинг йўриқномаларида белгилаб қўйилиши мумкин. Жиноятнинг объектив томонини аниқлашда ушбу қоидалар кўрсатилган ҳужжатларга мурожаат қилинади ва қайси қоидалар бузилганлиги аниқланади. Бланкет д. қонунларни ихчамлаштириш ва амалда қўлланишини осонлаштиришда катта аҳамиятга эга. Ҳаволали д.да норманинг мазмунини аниқлаш учун кодекснинг бошқа бир нормасига мурожаат этилади. Мас., ЖКнинг 100– м.да зарурий мудофа чегарасидан четга чиқиб, қасдан одам ўлдириш жинояти берилган. Зарурий мудофаа ҳолатини аниқлаш учун ЖКнинг 37– м.га мурожаат қилиш лозим. (34)

Д) Санкция.

САНКЦИЯ – (лот. *sanctio* — қатъий қарор) — қатъий чора ва тадбир. Ҳуқуқда санкция тўрт асосий турга: 1) жиноий-ҳуқуқий, 2) маъмурий-ҳуқуқий, 3) ижтимоий-ҳуқуқий, 4) мулкый санкцияларга бўлинади.

Санкция диспозицияда кўрсатилган қонундан бузган шахсга нисбатан давлат органи қўллаши мумкин бўлган таъсир чорасини белгилайди. Санкция ҳуқуқ нормасининг бир қисми бўлиб, унда диспозицияда кўрсатилган талабларни бажармаганлик учун берилиши мумкин бўлган жазонинг ёки тавсия этилган ҳаракатни содир этганлик учун рағбатлантиришнинг тури ва ўлчови ифодаланган бўлади

2. Гуруҳларга мавзуга оид вазиятли масалалар бериш (1 илова).

Берилган вазиятларни янги берилган билимлар асосида амалиётга боғлаш учун **ФСМУ** технологиясидан фойдаланиш - **15 дақиқа**.

Гуруҳларга берилган вазиятлар бўйича **ФСМУ** технологияси асосида фикр билдиринг деб топшириқ берилади.

Ф- фикрингизни баён этинг

С- бу фикрга келиш сабабини кўрсатинг

М- кўрсатган сабабларингизни мисол билан исботланг

У- Фикрларни умумлаштиринг.

Ўқувчилар берилган топшириқларни дафтарига ёзиб олади.

Гуруҳ аъзолари ўзаро муҳокамадан сўнг бир қарорга келиб, гуруҳ аъзоларидан бир киши чиқиб тақдимот қилади.

IV. Ўқувчилар билимини баҳолаш ва баҳоларни эълон қилиш – 3 дақиқа.

Ўқувчиларни баҳолашда синф доскаси гуруҳлар сонига қараб бўлинади ва ўқувчилар иштирокига қараб баҳолаб борилади. Дарс охирида гуруҳлар томонидан тўпланган баллар умумлаштирилади.

V. Уйга топшириқ бериш, дарсни якунлаш – 4 дақиқа.

Уйга вазифа: Ўрганилган билимлар асосида кроссворд тайёрлаш.

1-илова

1-гуруҳ:

Фуқаро Н. томонидан туман судига тақдим этилган ариза ушбу судда кўрилмаслиги сабабли қайтарилди.

2-гуруҳ:

ЖК 200-моддаси: ветеринария ёки зоотехника қоидаларини бузиш ҳайвон ёки паррандалар эпидемияси (эпизотияси) тарқалишига, уларнинг ялпи қирилиб кетишига ёки бошқа оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлса ушбу модда билан жавобгарликка тортишга асос бўлади.

3-гуруҳ:

Ички ишлар ходимлари томонидан икки ўспирин жиноят устида қўлга олинди, ички ишлар бўлимига олиб келинди.

Фан: Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи асослари.

Синф: 8

Мавзу: Ҳуқуқбузарлик.

Машғулотнинг технологик харитаси ва ўтказилиш ишланмаси

Мавзу:	Ҳуқуқбузарлик. (1 соат).
Мақсад ва вазифалар	<ul style="list-style-type: none">- Ўқувчиларда давлат томонидан белгиланган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи қоидалар ҳақидаги тушунчаларни шакллантириш;- ўқувчиларда ҳуқуқ ва ҳуқуқбузарлик, қонунийлик ва қонунбузарлик тушунчалари ҳақидаги билимларни шакллантириш;- давлатда ва жамиятда белгиланган ҳуқуқ нормаларини тушунтириш орқали қонунларга риоя этиш руҳида тарбиялаш.
Ўқув материали мазмуни	фуқаролик ҳуқуқбузарлик; маъмурий ҳуқуқбузарлик; жиноий ҳуқуқбузарлик; ижтимоий хавсизлик; ҳуқуққа зидлик.
Ўқув жараёнини ташкил этиш технологияси	<p>Шакл: интерфаол машғулот: гуруҳларда ишлаш.</p> <p>Метод: Ақлий ҳужум, оғзаки баён, тушунтириш, матн билан ишлаш, фикр алмашуви.</p> <p>Восита: - дарслик; компьютер техникаси; синф хонасини гуруҳларда ишлаш учун тайёрлаш;</p> <p>Усул: жадвал, диаграмма, машқлар.</p> <p>Назорат: кузатиш, назорат саволлари, назорат машқлари.</p> <p>Баҳолаш: рағбатлантириш, ўз-ўзини баҳолаш, балл тизими.</p>
Кутиладиган натижалар	<p>Ўқитувчи: Мавзу асосида тўлақонли маълумот бериб, ўқувчилар билимини оширади. Машғулотда қўлланилган методлар, мустақил иш бўйича тарқатма материаллар асосида мавзу бўйича ўқувчиларнинг билим, кўникма, малакаларини оширади.</p> <p>Ўқувчи: Мавзу бўйича янги билимлар эгаллайди. Мавзунинг асосий мазмуни бўйича мустақилликнинг қадрига етиш, озодлик, ҳурлик, ватанпарварлик ҳислари кучаяди.</p>
Келгуси режалар	<p>Ўқитувчи: Навбатдаги мавзу учун машғулот материалларини қайтадан кўриб чиқиш, машғулотни таҳлил қилиш, мавзунинг қўшимча маълумотлар билан бойитиш, машғулот методикаси ва техникасига ўзгартириш киритиш, кейинги машғулотни ўтказишга тайёргарлик кўриш.</p> <p>Ўқувчи: “Инсон ва фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари” мавзусини ўқиб, асосий маъно-мазмунини конспект қилиш, асосий тушунчаларни эслаб қолиш, савол-жавобга тайёргарлик кўриш, қўшимча манбаларни излаб топиш</p>

Машғулот босқичлари.

Босқичлар	Мазмуни	Методлар	Вақти
1-босқич Ташкилий қисм	Саломлашув. Машғулотнинг бориши ҳақида тушунча бериш.	оғзаки мулоқот	2 мин
2-босқич Мотивация	Ўқитувчининг мавзу асосида кириш сўзи. Машғулот мавзуси ва мазмунини ўқувчилар билан ҳамкорликда аниқлаб олиш.	“Ақлий хужум” асосида, “Бумеранг” технологияси асосида	5 мин
3-босқич Мавзу ва амалий иш баёни	Ўқитувчининг мавзу мазмуни тўғрисидаги суҳбат-маърузаси – жамоавий иш ва гуруҳлардаги мустақил иш	Оғзаки баён, тушунтириш, савол-жавоб, матн билан ишлаш, гуруҳлар тақдимоти	15 мин
4-босқич Мустаҳкамлаш	Мавзу бўйича ўқувчиларни билимлари, тушунчаларини гуруҳда, жуфтликда, яқка тартибдаги фаолиятлари орқали аниқлаш	“Бинго” ўз-ўзини баҳолаш	7 мин
5-босқич Машғулот яқуни ва мустақил иш учун топшириқ	Фикр алмашувини ўтказиш, машғулотни яқунлаш, мустақил иш учун топшириқ бериш	Фикр алмашуви	5 мин

Дарсинг бориши:

Ўқувчилар “Мен ҳамкорликдаман” усулида қўйилган парталарга жойлаштирилади. Шу асосда гуруҳларга бўлинади.

Ўқитувчи мавзуни ўқувчилар сонига қараб тенг тақсимланган ҳолатда тарқатма материаллар тайёрлайди. Ҳар бир гуруҳ аъзолари сонига қараб сон ёзилган қоғозчалар тайёрлайди. Ўқувчиларни 4-5 кишидан иборат гуруҳларга бўлади. Ўқитувчи томонидан гуруҳлар учун олдиндан қуйидаги матнлар тайёрлаб қўйилади:

1-матн:

Ҳуқуқбузарлик – ўз хатти-ҳаракатини тушунадиган ва унга жавоб бера оладиган шахснинг ҳуқуққа зид хатти-ҳаракатларидан келиб чиқадиган ҳолатдир.

Ҳуқуқбузарликнинг қуйидаги белгилари мавжуд:

- *ижтимоий хавфлилик;*
- *ҳуқуққа зидлик;*
- *айблилик;*
- *жазога лойиқлик.*

Ижтимоий хавфлилик – шундан иборатки, бунда ҳуқуқбузар жамиятнинг қадриятларига таъжовуз қилади, инсон ҳаётига суиқасд қилади, давлат ва бошқа инсонларга зарар келтиради, уларнинг мол-мулкани нобуд қилади ҳамда ноҳуш ҳодисалар келтириб чиқариб, жамият аъзолари манфаатига зарар келтиради. Ўз оиласи, ота-онаси, жамоаси, ёр-убиродарларини қийин, уятли аҳволга солиб қўяди. Энг ёмони у ўз келажагини барбод қилади.

2-матн:

Ҳуқуққа зидлик – ҳуқуқбузарнинг қонун ёки ҳуқуқ нормалари белгилаб қўйган мажбурий талабларини бузишидир.

Айблилик юқорида таъкидланганидек, ўз хатти-ҳаракатини тушунадиган ва унга жавоб бера оладиган инсоннинг ҳуқуққа зид, қонун талабларига қарши хатти-ҳаракатидан келиб чиқувчи айбидир.

Айблилик – қасддан ёки эҳтиётсизлик оқибатида содир бўлади. Инсон – инсон сифатида дунёга келган экан, унинг олдида доимо икки йўл – ҳуқуқий нормаларга, қонун талабларига виждонан ёки мажбуран бўйсунган ҳолда ўз келажагини яратиш, жамият учун, ўз халқи учун ижтимоий фойда келтириш. Иккинчи йўл эса ҳаёти давомида ҳуқуққа хилоф, ҳуқуқий норма ва қонун талабларини менсимасдан, бўйсунмасдан яшаш. Айбли ҳаракат қилиш, жамиятга зарар етказишидир.

Ўқувчилар дарс мазмунини ва мақсади балл қўйиш тизими билан танишадилар. Дарсни техник жиҳатдан тузилиши асосида иш олиб борадилар гуруҳларга бўлинган ҳолда жойлашадилар.

Ҳар бир гуруҳни ҳар бир аъзосига ўрганиши учун мавзудан алоҳида матнлар берилади. Матнлар ўрганилгандан сўнг ўқитувчи ҳар бир гуруҳ ёнига келиб, гуруҳ аъзолари сонига тенг рақамлар ёзилган қоғозчаларни тарқатади. Гуруҳ аъзолари қоғозда ёзилган сонлар асосида янги гуруҳ ташкил этадилар. Яъни 1-рақамлилар бир гуруҳ, 2-рақамлилар бошқа гуруҳ ва ҳ.к гуруҳлар пайдо бўлади. Ҳар гуруҳда мавзу матнини маълум қисмини ўзлаштирган ўқувчи бўлади.

Ўқувчилар ўзи ўрганган матнни бошқа ўқувчиларга ўргатади ва ўзлари ҳам бошқа ўқувчилар матнларини ўзлаштирадилар.

Мавзунини тўлиқ ўзлаштириш учун гуруҳлар аъзолари аввал ўзаро савол жавоб ўтказишади. Натижада янги матн билан гуруҳнинг барча ўқувчилари танишади. Шундан сўнг ўқувчилар ўқитувчини таклифига кўра яна ўз гуруҳларига қайтадилар. Ўз гуруҳларида ҳар бир ўқувчи бошқа гуруҳдан

орттирган билимларини бу гуруҳ аъзоларига ўргатадилар. Аввал гуруҳда , кейин гуруҳлараро савол-жавоб ўтказадилар. Ўқитувчи мавзу бўйича тузилган саволлар асосида ўқувчиларни ўзлаштириш даражасини ўрганади.

Шундан сўнг ўқитувчи слайдлар орқали янги мавзунини кўргазмалилик асосида мустаҳкамлайди.

Шундан сўнг ўқитувчи ўқувчиларни тўплаган балларини эълон қилади.

Тўғри жавоб учун 5 балл, тўлиқ бўлмаган жавоб учун 4 балл, икки марта тўлдириш учун 3 балл, жавобни мақсади кўрсатилса 2 балл, ҳаракат қилинса, лекин тўғри жавоб бўлмаган уч ҳолат учун 1 балл билан баҳоланади. Ўқувчилар билимини баҳолашда ўқитувчи – баҳоларни ифода этувчи – *доира, тўрт бурчак, учбурчак* каби рангли қоғозлардан ясалган фигурачалардан фойдаланиши мумкин.

Уйга вазифа: Ўтилган мавзу бўйича конспект тайёрлаб келиш.

Фан: Конституциявий ҳуқуқ асослари

Синф: 9

Мавзу: Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар (10-дарс).

Машғулотнинг технологик харитаси ва ўтказилиш ишланмаси

Мавзу:	Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар (1 соат).
Мақсад ва вазифалар	Ҳуқуқнинг ўзи нима эканлиги, конституциямизда шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатланиши ҳақида маълумот бериш; ўз ҳуқуқларини англовчи муносиб фарзанд бўлиш руҳида тарбиялаш, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини куришнинг муҳим шартларини тушунтириш; ҳуқуқ ва бурчларни бажаришга кўникма ҳосил қилиш.
Ўқув материали мазмуни	Фуқаро ва давлат ўзаро боғлиқлиги, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ва давлат ҳужжатлари, инсон ва фуқароларнинг шахсий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари.
Ўқув жараёнини ташкил этиш технологияси	Шакл: интерфаол машғулот: гуруҳларда ишлаш. Метод: Ақлий ҳужум, оғзаки баён, тушунтириш, матн билан ишлаш, фикр алмашуви. Восита: 9-синф “Конституциявий ҳуқуқ асослари” дарслиги; Ўзбекистон Республикаси Конституцияси; мустақил ишларнинг тарқатма материаллари, китоблар, магнитли доска, рангли қоғоз ва маркер, фломастерлар. Усул: жадвал, диаграмма, машқлар. Назорат: кузатиш, назорат саволлари, назорат машқлари. Баҳолаш: рағбатлантириш, ўз-ўзини баҳолаш, балл тизими.
Кутиладиган натижалар	Ўқитувчи: Мавзу асосида тўлақонли маълумот бериб, ўқувчилар билимини оширади. Машғулотда қўлланилган методлар, мустақил иш бўйича тарқатма материаллар асосида мавзу бўйича ўқувчиларнинг билим, кўникма, малакаларини оширади. Ўқувчи: Мавзу бўйича янги билимлар эгаллайди. Мавзунинг асосий мазмуни бўйича мустақилликнинг қадрига етиш, озодлик, ҳурлик, ватанпарварлик ҳислари кучаяди.
Келгуси режалар	Ўқитувчи: Навбатдаги мавзу учун машғулот материалларини қайтадан кўриб чиқиш, машғулотни таҳлил қилиш, мавзуни қўшимча маълумотлар билан бойитиш, машғулот методикаси ва техникасига ўзгартириш киритиш, кейинги машғулотни ўтказишга тайёргарлик кўриш. Ўқувчи: “Инсон ва фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари” мавзусини ўқиб, асосий маъно-мазмунини конспект қилиш, асосий тушунчаларни эслаб қолиш, савол-жавобга тайёргарлик кўриш, қўшимча манбаларни излаб топиш

Машғулот босқичлари.

Босқичлар	Мазмуни	Методлар	Вақти
1-босқич Ташкилий қисм	Саломлашув. Машғулотнинг бориши хақида тушунча бериш.	оғзаки мулоқот	3 дақиқа
2-босқич Мотивация	Ўқитувчининг мавзу асосида кириш сўзи. Машғулот мавзуси ва мазмунини ўқувчилар билан ҳамкорликда аниқлаб олиш.	“Ақлий хужум” асосида	4 дақиқа
3-босқич Мавзу ва амалий иш баёни	Ўқитувчининг мавзу мазмуни тўғрисидаги сухбат-маърузаси – жамоавий иш ва гуруҳлардаги мустақил иш	оғзаки баён, тушунтириш, савол-жавоб, матн билан ишлаш, гуруҳлар тақдимоти	15 дақиқа
4-босқич Мустаҳкамлаш	Мавзу бўйича ўқувчиларни билимлари, тушунчаларини гуруҳда, жуфтликда, якка тартибдаги фаолиятлари орқали аниқлаш	“Бинго” ўз-ўзини баҳолаш	20 дақиқа
5-босқич Машғулот яқуни ва мустақил иш учун топшириқ	Фикр алмашувини ўтказиш, машғулотни яқунлаш, мустақил иш учун топшириқ бериш	фикр алмашуви	3 дақиқа

Дарсинг бориши:

Ўқитувчи томонидан гуруҳларга куйидаги саволлар берилади:

1. Ҳуқуқ ўзи нима?
2. Шахсий ҳуқуқлар ичида яшаш ҳуқуқи қандай ўрин тутади?
3. Шахсий дахлсизлик ва турар жой дахлсизлиги деганда нимани тушунаси?
4. Шахсий ҳаёт қандай муҳофаза этилади?

Ўқувчилар жавоби:



- Ҳуқуқ, деганда биз давлат томонидан белгиланадиган ва қўриқланадиган кишиларнинг муносабатларини тартибга соладиган қонун-қоидалар, меъёрларни тушунамиз.
- Инсоннинг энг муҳим шахсий ҳуқуқи – яшаш ҳуқуқидир. Фуқароларнинг яшаш ҳуқуқи давлат томонидан қафолатланади.

- Шахсий дахлсизлик ҳуқуқи бу инсоннинг ўз ихтиёрига кўра иш тутишидир, яъни давлат органлари ва жисмоний шахслар томонидан унинг ҳуқуқларини қонунга хилоф равишда чеклашга йўл қўйилмайди, турар жой дахлсизлиги – ҳеч ким истиқомат қилувчининг ҳошиш-иродасига қарши квартирага киришга ҳақли эмас.
- Ҳар бир инсоннинг шахсий ҳаёти давлат томонидан белгиланган тартиб-қоидалар ва қонунлар асосида ҳимояланади. Бу борада конституциямизнинг 27-моддасида шундай дейилган: “Ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга”.

Шунингдек ўқитувчи мавзунини тушунтиради ва ўз фикрини баён этади. Сизлар ўз ҳақ-ҳуқуқларингизни таниб, катталар ва давлат олдидаги бурч ва масъулиятларингизни тўғри англаб ўсиб-улғайсангиз Ватанимиз сиздан миннатдор бўлиб, сизга ғамхўрлиги, муҳаббати яна ҳам кучайиб боради.

Доскага куйидаги жадвални осад:

<p>Ҳуқуқ давлат ҳокимияти томонидан белгиланадиган ва қўриқланадиган жамиятда кишиларнинг ўзаро муносабатларини тартибга соладиган қонун-қоидалар, меъёрлар мажмуи (йиғиндиси).</p>
<p>Ҳуқуқ кишига бирор иш-ҳаракат учун берилган давлат қонунлари ёки бошқа хил ҳужжат-қарорлар билан мустаҳкамланган, кафолатланган имконият, эрк, ихтиёр ҳамдир.</p>



Ҳуқуқ – имконият, эрк, ихтиёр, эгалик.

Сизлар радио, телевидение, газета ва бошқа ахборот воситалари орқали «Бирлашган Миллатлар Ташкилоти» деган сўзларни кўп бора эшитгансиз. Бу - дунёдаги ўзининг миллати учун қайғурган мамлакатларнинг бирлашган, яъни бир бўлиб қонунлар қабул қиладиган жаҳондаги энг йирик ташкилотдир. Мана шу Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)нинг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон

декларацияси»да болалар алоҳида ғамхўрлик ва ёрдам билан таъминланиш ҳуқуқига эга эканликлари ҳақида алоҳида бандларда ёзилган. Унга кўра жаҳондаги барча мамлакатларда ниҳоятда оғир шароитларда яшаётган болалар борлиги ва улар алоҳида эътиборга муҳтож эканликлари таъкидланган. Дунёдаги болалар эркинлик, тенглик, тинчлик руҳида тарбияланиши лозимлиги ва кўплаб бошқа жиҳатларни эътироф этган ҳолда 1989 йилда БМТ томонидан «Бола ҳуқуқлари тўғрисида Конвенция» қабул қилинди. Ушбу Конвенцияни 1992 йилда Ўзбекистон Республикаси расман тан олди. Бугунги дарсимизда биз сизлар билан мана шу Конвенция ҳақида суҳбатлашамиз.

Дарс аввалида сизларга «Бола ҳуқуқлари тўғрисида Конвенция» моддаларидан намуналар ёзилган карточкалар тарқатилди. Ҳозир бирма бир шу моддалар билан танишиб чиқамиз.

(Ўқувчилар карточкалар бўйича моддаларни бирма-бир ўқийдилар).

❖ 3-модда. Фаровонлигинг учун зарур ҳисобланган ҳимоя ва ғамхўрлик билан таъминланиш ҳуқуқига эгасан.

❖ 6-модда. Яшаш ва соғлом ривожланиш ҳуқуқига эгасан.

❖ 7-модда. Исм билан аталиш фуқароликка, миллатингга эга бўлиш, ўз ота-онангни билиш ҳуқуқига эгасан.

❖ 13-модда. Ўз қарашларингни, фикрингни эркин ифодалаш, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига эгасан.

❖ 19-модда. Ота-она ёки ҳар қандай бошқа шахс томонидан ҳақоратланиш, кўпол муомалада бўлишдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгасан.

❖ 20-модда. Оила ғамхўрлигидан маҳрум бўлганда давлат томонидан кўрсатиладиган алоҳида ҳимоя ва ёрдамни олиш ҳуқуқига эгасан.

❖ 24-модда. Зарур тиббий ёрдам кўрсатилиш ва соғлигингни сақлаш ҳуқуқига эгасан.

❖ 26-модда. Ижтимоий таъминот неъматларидан, ижтимоий суғуртадан фойдаланиш ҳуқуқига эгасан.

❖ 28-модда Илм олиш ҳуқуқига эгасан.

❖ 31-модда. Дам олиш ва бўш вақтингни мароқли ўтказиш ҳуқуқига эгасан.

❖ 32-модда. Иқтисодий эксплуатацияда ҳамда соғлигинг учун хавф-хатар етказиши мумкин бўлган ҳар қандай ишлардан ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эгасан.

❖ 34-модда. Гиёҳвандлик моддаларидан ғайриқонуний равишда истеъмол қилишдан ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эгасан.

❖ 37-модда. Қийноқларга ёки бошқа шафқатсизларча жазога дучор этилмаслик ҳуқуқига эгасан.

❖ 38-модда. Қуролли можароларнинг таъсиридан ҳимояланиш ҳуқуқига эгасан.

Ўқитувчи ўқувчиларни рағбатлантириб уларга Конституция ҳақида сўзлаб беради ва саволлар билан мурожаат қилади. Сизлар бирма-бир ўқиб берган ушбу моддаларда ифодаланган шундай ҳуқуқларингиз, яна қандай қонунда акс

этишини биласизми? Буни сиз «Конституция алифбоси» сабоқларидан ўзлаштириб олган бўлишингиз керак. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам болаларнинг ҳақ-ҳуқуқлари белгилаб берилган.

Савол: Конституция билан Конвенциянинг ўхшашлиги ва фарқини айтиб бера оласизми?

– Конституция бу – бизнинг асосий қонунимиз. Конвенция эса болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилади.

Мавзуни мустаҳкамлашда “Бинго” машқидан фойдаланилади. Бунда ўқувчиларга қуйидаги жадвалда берилган атамалар ва йиллар тарқатилади.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси	1948 йил	Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция
Шахсий ҳуқуқлар	1989 йил	“Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги Халқаро пакт
Апатридлар	Сиёсий ҳуқуқлар	Иқтисодий ҳуқуқлар

Ўқувчиларга олдиндан тайёрлаб қўйилган карточкалар тарқатилади. Карточкалардаги жадвалда рақамлар ва атамалар ёзилган бўлади. Ўқитувчи шу рақамга ёки атамага оид жумлани ўқийди, ўқувчилар ўқиладиган жумлага тегишли рақам ёки атамани жадвалда белгилайди. Саволлар қуйидагича бўлиши мумкин:

1. Фуқаролиги бўлмаган шахслар қандай аталади? (Апатридлар)
2. 1948 йилда қабул қилинган декларация номи? (Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси)
3. “Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция” қачон қабул қилинган?
4. Яшаш ҳуқуқи инсон ҳуқуқларининг қайси турига киради? (Шахсий ҳуқуқлар)
5. Сиёсий бирлашмалар тузиш ҳуқуқи инсон ҳуқуқларининг қайси турига киради? (Сиёсий ҳуқуқлар)
6. Мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи инсон ҳуқуқларининг қайси турига киради? (Иқтисодий ҳуқуқлар)

Ўқитувчи дарсни яқунлайди: Ҳақиқатан ҳам Конституциямизда инсонийлик, инсон манфаатларидан келиб чиққан адолатли қонунлар ифодаланади. Бу ҳақда келгуси дарсимизда суҳбатни давом эттираемиз. Бугун сизлар билан танишган «Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция»да эса болаларга алоҳида ғамхўрлик ва ёрдам кўрсатиш уларнинг ўсиб-улғайишлари учун зарур ҳимоя ва ёрдам билан таъминланиш, уларнинг соғлом ва ҳар томонлама камолоти учун оилада бахт, меҳр-муҳаббат вазиятида бўлиш, жамиятда мустақил ҳаётга тўла тайёрланиш, уларнинг учун эркинлик, тенглик ва бирдамлик руҳида болаларнинг тарбияланиши лозимлиги алоҳида-алоҳида

моддаларда аниқ қилиб кўрсатиб берилган. Буларга сизлар моддаларни ўқиб, тушуниб гувоҳи бўлдингиз.

Уйга вазифа: Мавзуда берилган тушунча ва атамаларни конспект қилиб келиш.

Фан: Конституциявий ҳуқуқ асослари.

Синф: 9

3-чорак

Мавзу: Жамоат бирлашмалари ва оммавий ахборот воситалари. (18-дарс)

1. Дарсинг мақсади:

- Демократик давлатдаги мафкуравий ва сиёсий қарашлар хилма-хиллиги ҳақида ҳақида маълумот бериш.

Вазифалар:

- Ўқувчиларда демократиянинг таркиб топтирувчи қисми бўлмиш жамоат бирлашмаларининг фаолиятгаи дахлдорлик хиссини юксалтириш.

Дарс услуби: Тушунчалар таҳлили.

Тушунчалар ва атамалар:

- Жамоат бирлашмалари;
- касаба уюшмалари;
- сиёсий партиялар;
- фахрийлар ташкилотлари;
- жамоат хайрия жамғармалари;
- оммавий ахборот воситалари;

Дарсинг жиҳози:

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси;
- дарслик;
- тарқатма материаллар;

Дарсинг блок чизмаси:

1	Ташкилий қисм	3 дақиқа
2	Уй вазифасини такрорлаш	7 дақиқа
3	Дарс мавзусини рўёбга чиқариш устида ишлаш	15 дақиқа
4	Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш	7 дақиқа
5	Дарс яқунларини чиқариш. Баҳоларни эълон қилиш	5 дақиқа
6	Уйга вазифа	3 дақиқа

Дарсинг бориши:

Фаоллаштирувчи саволлар:

1. Сиз кўпроқ қайси газеталарни ўқиб борасиз?
2. Касаба уюшмалари ҳақида нималарни биласиз?
3. Фахрийлар ташкилотлари ҳақида эшитганмисиз?
4. Қандай жамғармаларни биласиз?
5. Жамоат бирлашмалари деганда қандай ташкилотларни тушунасиз?

Жамоат бирлашмаси – ўз ҳуқуқлари, эркинликларини ҳамда сиёсат, иқтисодиёт, ижтимоий ривожланиш, фан, маданият, экология ва ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги қонуний манфаатларини биргаликда рўёбга чиқариш учун бирлашган фуқароларнинг хоҳиш-иродаларини эркин билдиришлари натижасида вужудга келган ихтиёрий тузилма-жамоат бирлашмасидир. Сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, касаба уюшмалари, хотин-қизлар, ёшлар ва болалар ташкилотлари, фахрийлар ва ногиронлар ташкилотлари, илмий-техникавий, маданий-маърифий, жисмоний тарбия-спорт ва б. кўнгилли жамиятлар, ижодий уюшмалар, ватандошлар уюшмалари, ассоциациялар ва фуқароларнинг бошқа бирлашмалари жамоат бирлашмалари деб эътироф этилади. Жамоат бирлашмалари фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар ҳамда эркинликларни рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш; фуқароларнинг фаоллиги ва ташаббускорлигини, давлат ва жамият ишларини бошқаришда уларнинг иштироқ этишини ривожлантириш; касб-кор ва ҳаваскорлик қизиқишларини қондириш, илмий, техникавий ва бадиий ижодкорликни ривожлантириш; аҳолининг сиҳат-саломатлигини сақлаш, хайрия фаолиятида қатнашиш; маданий-маърифий, жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт ишларини ўтказиш; табиатни, тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш, ватанпарварлик ва инсонпарварлик тарбияси, республикалараро ва халқаро алоқаларни кенгайтириш, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлаш, қонунда тақиқланмаган бошқа фаолиятни амалга ошириш мақсадида тузилади. Жамоат бирлашмалари ўз аъзолари (қатнашчилари)нинг ихтиёрийлиги, тенг ҳуқуқлилиги, ўзини ўзи бошқариш, қонунийлик ва ошкоралик асосида тузилади ва ҳаракат қилади. Барча жамоат бирлашмалари ўз уставларида, бошқа ҳужжатларида кўзда тутилган вазифаларни бажаришда ЎзРнинг Конституцияси, Қорақалпоғистон Республикасида эса Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси, ЎзРнинг бошқа қонунлари доирасида иш кўрадилар. Фуқаронинг жамоат бирлашмаси фаолиятида қатнашиши ёки қатнашмаслиги унинг ҳуқуқлари ва эркинликларини чеклаш ёки унга имтиёзлар бериш учун, шу жумладан, давлат ташкилотида лавозимни эгаллаш шарти ёки Қонунда кўзда тутилган мажбуриятларни бажармаслик учун асос бўла олмайди. Жамоат бирлашмасининг ҳуқуқий мақоми ФКнинг 74-м.да ва махсус қонунларда белгилаб қўйилган.

Оммавий ахборот воситалари – Демократик ҳуқуқий давлат барпо этишнинг асосий шартларидан бири – матбуот ва ахборот эркинлигидир. Ўзбекистон Республикасининг конституциясига ва Ўзбекистон Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ ҳар бир фуқарога сўз эркинлиги: радио орқали, матбуотда, телевидениеда ва бошқа оммавий ахборот воситаларида чиқиш, ўз фикри ва эътиқодни ошкора этиш ҳуқуқи ҳавола этилади.

Ўтилган мавзунини мустаҳкамлашда “Тушунчалар таҳлили” услубидан фойдаланган ҳолда ўтилаган мавзуга оид тушунчалар берилган қуйидаги жадвал ҳар бир ўқувчига тарқатилади. Ҳар бир ўқувчи тўғри жавоб билан берилган тушунчаларнинг фарқларини аниқлайдилар, шу билан керакли тушунчаларга эга бўладилар, ўз-ўзларини текширадилар ва билимларини яна бир бор мустаҳкамлайдилар.

Тушунчалар	Мазмуни
Жамоат бирлашмалари	
Касаба уюшмалари	
Сийосий партиялар	
Фахрийлар ташкилотлари	
Жамоат хайрия жамғармалари	
Оммавий ахборот воситалари	

Уйга вазифа: Ўқувчилар ўтилган дарс мазмуни бўйича (“Билиб олдим” технологияси) дафтарига қуйида берилган жадвални тўлдириб келади.

Билар эдим	Билмоқчиман	Билиб олдим

Фан: Конституциявий ҳуқуқ асослари

Синф: 9

4-чорак

Мавзу: Ўзбекистон Республикасида молия ва кредит. (29-дарс)

1. Дарснинг мақсади:

- *Ўзбекистон Республикасида молия ва кредит тизимининг ҳуқуқий асослари ҳақида маълумот бериш.*

Вазифалар:

- *Ўқувчиларнинг давлатнинг иқтисодиёт соҳасидаги фаолиятига дахлдорлик ҳиссини юксалтириш.*

Дарс услуби: Ақлий ҳужум, “3x4” технологияси.

Тушунчалар ва атамалар:

- Молия тизими;

- Кредит;
- Банк тизими;
- Давлат бюджети;
- Солик;
- Тадбиркорлик;
- Давлатнинг молиявий-иқтисодий фаолияти:

Дарснинг жиҳози:

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси;
- дарслик;
- тарқатма материаллар;
- А-3, А-4 форматдаги қоғоз, фломастер.

Дарснинг блок чизмаси:

1	Ташкилий қисм	3 дақиқа
2	Уй вазифасини такрорлаш	7 дақиқа
3	Янги мавзуни рўёбга чиқариш устида ишлаш	12 дақиқа
4	Гуруҳларни шакллантириш. Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш.	15 дақиқа
5	Дарс яқунларини чиқариш. Баҳоларни эълон қилиш	5 дақиқа
6	Уйга вазифа	3 дақиқа

Дарснинг бориши: (ўқувчилар олдиндан 3-5 кишидан иборат гуруҳларга бўлинади, кичик гуруҳлар сони 4 та ёки 5 та бўлиши мақсадга мувофиқ)

Фанлар билан боғлаш:

Иқтисодий билим асослари

Саволлар:

1. Молия тушунчаси билан танишмисиз? (Молия кенг маънода давлатнинг пул маблағлари, пул маблағларининг айланиши)
2. “Бирор бир фаолиятни молиялаштириш”- деганда нимани тушунасиш? (Бирор бир фаолиятни молиялаштириш деганда – ушбу фаолиятни ташкил қилиш учун лозим бўлган маблағларнинг ажратилиши ва сарфланиши тушунилади).
3. Сизнинг фикрингизча ҳуқуқий асоссиз ҳам иқтисодий фаолият ёки тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш мумкинми? (ҳозирги кунда ҳуқуқ нормалари мамлакатда шаклланаётган иқтисодий муносабатларни мустаҳкамлаб қўяди, шу сабабли ҳам ҳуқуқий асоссиз тадбиркорлик фаолиятини ама)
4. Ўзбекистоннинг пул бирлиги нима? (Ўзбекистоннинг пул бирлиги “сўм” бўлиб, 1994 йилдан муомалага киритилган)

Ўқитувчи берилган жавобларни умумлаштирган ҳолда янги мавзуни баён қилади:

Бугун республикамизда яшаб турган ҳар бир кишида ўз корхонасини очиш, тадбиркорлик билан шуғулланиш ва шу тариқа ўз фаровонлигини таъминлаш имконияти юзага келди. Ушбу имконият конституциямизнинг **53-моддасида** қуйидагича мустаҳкамланган, яъни “Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.

Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби. Дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдаларда мулкдан маҳрум этилиши мумкин”.

Шундай қилиб ҳуқуқ иқтисодиётга қуйидагича таъсир ўтказади:

- шаклланган иқтисодий муносабатларни қонунлар асосида мустаҳкамлаб қўяди;
- мамлакат иқтисодий барқарорлигини тан олади ва мустаҳкамлайди;
- янги иқтисодий муносабатлар яратилиши ва ривожланишига кўмак беради.

Ҳар бир давлатнинг иқтисодий ривожланишида унинг молия тизими катта рол ўйнайди, банклар, кредит уюшмалари, жамғарма кассалар ва бошқа турли ҳил ташкилотлар давлатнинг молия тизимини ташкил этади.

Давлатнинг иқтисодий ўсиши, ўз зиммасидаги вазифалар – таълим бериш, мамлакат чегараларини кўриқлаш, давлат ичкарисида тартиб сақлаш, давлат органларининг ишини мувофиқлаштириш, аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларини ижтимоий муҳофаза қилиши учун барча юридик ва жисмоний шахслардан солиқлар ундирилади. Ундирилган солиқлар ёрдамида давлат бюджети шакллантирилди.

Давлат бюджети – давлатнинг бир йиллик даромадлари ва ҳаражатлари режалаштирилган асосий молиявий ҳужжатдир.

Ўзбекистоннинг пул тизими расмий пул бирлигини, пул муомаласи ташкил этилиши ва тартибга солинишини ўз ичига олади. 1994 йил 1 июлдан бошлаб, расмий пул бирлиги-сўм муомалага киритилган.

1994 йил 15 ноябрдан эътиборан Республика ҳудудида барча тўловлар ва ҳисоб-китоблар фақат миллий валюта сўмда амалга оширилади.

- Ўзбекистонда молиявий – иқтисодий, бюджет, банк кредит тизими, шунингдек, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари ва тармоқларининг барқарор ҳамда узлуксиз ишланишини таъминлаш учун етарли даражада мустаҳкам захиралар яратилганини ва зарур ресурслар базаси мавжуд.

Ўтилган мавзунини мустаҳкамлаш: “3x4” технологияси асосида.

Бу технологияда ўқувчилар 3-5 кишидан иборат 3 та ёки 4та гуруҳга бўлинадилар. Гуруҳлар шакллантирилгандан сўнг ўқитувчи ҳар бир гуруҳга юқори қисмида тушунчалар ёзилган қоғозларни тарқатади.

Масалан:

Банк -, молия, бюджет, солиқ ва ҳ.к.

Гуруҳ аъзолари биргаликда тарқатма материалда берилган тушунчага изох беради, изох учта сўз ёки сўз бирикмасидан иборат бўлиши лозим. Вазифа бажарилгач гуруҳ аъзолари ўринларидан туриб соат миля йўналиши бўйича жойларини ўзгартиради (1-гуруҳ 2-гуруҳ ўрнига, 2-гуруҳ 3-гуруҳ ўрнига, 3-гуруҳ 4-гуруҳ ўрнига, бошқалари бўлса шу тартибда давом этади). Янги жойга келган гуруҳ аъзолари шу ерда қолдирилган тарқатма материал билан танишиб, унга янги учтадан ўз фикрларини қўшадилар. Шу тариха кичик гуруҳлар ўз жойларига қайтиб келгунларига қадар жойларини алмаштириб айланадилар.

Уйга вазифа:

Ўтилган мавзу охирида берилган савол ва топшириқларга жавоб ёзиб келиш.

Фан: Конституциявий ҳуқуқ асослари

Синф: 9

Мавзу: Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар (10-дарс).

Машғулотнинг технологик харитаси ва ўтказилиш ишланмаси

Мавзу: Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар (1 соат).

Мақсад ва вазифалар Ҳуқуқнинг ўзи нима эканлиги, конституциямизда шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатланиши ҳақида маълумот бериш; ўз ҳуқуқларини англовчи муносиб фарзанд бўлиш руҳида тарбиялаш, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини куришнинг муҳим шартларини тушунтириш;

ҳуқуқ ва бурчларни бажаришга кўникма ҳосил қилиш.

Ўқув материали мазмуни Фуқаро ва давлат ўзаро боғлиқлиги, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ва давлат ҳужжатлари, инсон ва фуқароларнинг шахсий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари.

Ўқув жараёнини ташкил этиш технологияси Шакл: интерфаол машғулот: гуруҳларда ишлаш.

Метод: Ақлий ҳужум, оғзаки баён, тушунтириш, матн билан ишлаш, фикр алмашуви.

Восита: 9-синф “Конституциявий ҳуқуқ асослари” дарслиги; Ўзбекистон Республикаси Конституцияси;

мустақил ишларнинг тарқатма материаллари, китоблар, магнитли доска, рангли қоғоз ва маркер, фломастерлар.

Усул: жадвал, диаграмма, машқлар.

Назорат: кузатиш, назорат саволлари, назорат машқлари.

Баҳолаш: рағбатлантириш, ўз-ўзини баҳолаш, балл тизими.

Кутиладиган натижалар Ўқитувчи: Мавзу асосида тўлақонли маълумот бериб, ўқувчилар билимини оширади. Машғулотда қўлланилган методлар, мустақил иш бўйича тарқатма материаллар асосида мавзу бўйича ўқувчиларнинг билим, кўникма, малакаларини оширади.

Ўқувчи: Мавзу бўйича янги билимлар эгаллайди. Мавзунинг асосий мазмуни бўйича мустақилликнинг қадрига етиш, озодлик, ҳурлик, ватанпарварлик ҳислари кучаяди.

Келгуси режалар Ўқитувчи: Навбатдаги мавзу учун машғулот материалларини қайтадан кўриб чиқиш, машғулотни таҳлил қилиш, мавзунини қўшимча маълумотлар билан бойитиш, машғулот методикаси ва техникасига ўзгартириш киритиш, кейинги машғулотни ўтказишга тайёргарлик кўриш.

Ўқувчи: “Инсон ва фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари” мавзусини ўқиб, асосий маъно-мазмунини конспект қилиш, асосий тушунчаларни эслаб қолиш, савол-жавобга тайёргарлик кўриш, қўшимча манбаларни излаб топиш

Машғулот босқичлари.

Босқичлар	Мазмуни	Методлар	Вақти
1-босқич	Ташкилий қисм	Саломлашув.	Машғулотнинг бориши ҳақида тушунча бериш. оғзаки мулоқот
			3 дақиқа
2-босқич	Мотивация	Ўқитувчининг мавзу асосида кириш сўзи.	Машғулот мавзуси ва мазмунини ўқувчилар билан ҳамкорликда аниқлаб олиш. “Ақлий ҳужум” асосида
			4 дақиқа
3-босқич	Мавзу ва амалий иш баёни	Ўқитувчининг мавзу мазмуни тўғрисидаги суҳбат-маърузаси – жамоавий иш ва гуруҳлардаги мустақил иш	оғзаки баён, тушунтириш, савол-жавоб, матн билан ишлаш, гуруҳлар тақдимооти

15 дақиқа

4-босқич Мустаҳкамлаш Мавзу бўйича ўқувчиларни билимлари, тушунчаларини гуруҳда, жуфтликда, якка тартибдаги фаолиятлари орқали аниқлаш “Бинго” ўз-ўзини баҳолаш

20

дақиқа

5-босқич

Машғулот якуни ва мустақил иш учун топшириқ Фикр алмашувини ўтказиш, машғулотни яқунлаш, мустақил иш учун топшириқ бериш фикр алмашуви

3 дақиқа

Дарснинг бориши:

Ўқитувчи томонидан гуруҳларга қуйидаги саволлар берилади:

1. Ҳуқуқ ўзи нима?
2. Шахсий ҳуқуқлар ичида яшаш ҳуқуқи қандай ўрин тутади?
3. Шахсий дахлсизлик ва турар жой дахлсизлиги деганда нимани тушунаси?
4. Шахсий ҳаёт қандай муҳофаза этилади?

Ўқувчилар жавоби:

- Ҳуқуқ, деганда биз давлат томонидан белгиланадиган ва қўриқланадиган кишиларнинг муносабатларини тартибга соладиган қонун-қоидалар, меъёрларни тушунамиз.
- Инсоннинг энг муҳим шахсий ҳуқуқи – яшаш ҳуқуқидир. Фуқароларнинг яшаш ҳуқуқи давлат томонидан қафолатланади.
- Шахсий дахлсизлик ҳуқуқи бу инсоннинг ўз ихтиёрига кўра иш тутишидир, яъни давлат органлари ва жисмоний шахслар томонидан унинг ҳуқуқларини қонунга хилоф равишда чеклашга йўл қўйилмайди, турар жой дахлсизлиги – ҳеч ким истиқомат қилувчининг ҳоҳиш-иродасига қарши квартирага киришга ҳақли эмас.
- Ҳар бир инсоннинг шахсий ҳаёти давлат томонидан белгиланган тартиб-қоидалар ва қонунлар асосида ҳимояланади. Бу борада конституциямизнинг 27-моддасида шундай дейилган: “Ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга”.

Шунингдек ўқитувчи мавзунини тушунтиради ва ўз фикрини баён этади. Сизлар ўз ҳақ-ҳуқуқларингизни таниб, катталар ва давлат олдидаги бурч ва масъулиятларингизни тўғри англаб ўсиб-улғайсангиз Ватанимиз сиздан миннатдор бўлиб, сизга ғамхўрлиги, муҳаббати яна ҳам кучайиб боради.

Доскага қуйидаги жадвални осад:

Ҳуқуқ давлат ҳокимияти томонидан белгиланадиган ва кўриқланадиган жамиятда кишиларнинг ўзаро муносабатларини тартибга соладиган қонун-қоидалар, меъёрлар мажмуи (йиғиндиси).

Ҳуқуқ кишига бирор иш-ҳаракат учун берилган давлат қонунлари ёки бошқа хил ҳужжат-қарорлар билан мустаҳкамланган, кафолатланган имконият, эрк, ихтиёр ҳамдир.

Ҳуқуқ давлат томонидан белгиланадиган давлат томонидан кўриқланадиган кишиларнинг ўзаро муносабатларини тартибга соладиган

Ҳуқуқ давлат қонунлари давлат ҳужжатлари давлат қарорлари билан мустаҳкамланади, кафолатланади

Ҳуқуқ – имконият, эрк, ихтиёр, эгаллик.

Сизлар радио, телевидение, газета ва бошқа ахборот воситалари орқали «Бирлашган Миллатлар Ташкилоти» деган сўзларни кўп бора эшитгансиз. Бу - дунёдаги ўзининг миллати учун қайғурган мамлакатларнинг бирлашган, яъни бир бўлиб қонунлар қабул қиладиган жаҳондаги энг йирик ташкилотдир. Мана шу Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)нинг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»да болалар алоҳида ғамхўрлик ва ёрдам билан таъминланиш ҳуқуқига эга эканликлари ҳақида алоҳида бандларда ёзилган. Унга кўра жаҳондаги барча мамлакатларда ниҳоятда оғир шароитларда яшаётган болалар борлиги ва улар алоҳида эътиборга муҳтож эканликлари таъкидланган. Дунёдаги болалар эркинлик, тенглик, тинчлик руҳида тарбияланиши лозимлиги ва кўплаб бошқа жиҳатларни эътироф этган ҳолда 1989 йилда БМТ томонидан «Бола ҳуқуқлари тўғрисида Конвенция» қабул қилинди. Ушбу Конвенцияни 1992 йилда Ўзбекистон Республикаси расман тан олди. Бугунги дарсимизда биз сизлар билан мана шу Конвенция ҳақида суҳбатлашамиз.

Дарс аввалида сизларга «Бола ҳуқуқлари тўғрисида Конвенция» моддаларидан намуналар ёзилган карточкалар тарқатилди. Ҳозир бирма бир шу моддалар билан танишиб чиқамиз.

(Ўқувчилар карточкалар бўйича моддаларни бирма-бир ўқийдилар).

- 3-модда. Фаровонлигинг учун зарур ҳисобланган ҳимоя ва ғамхўрлик билан таъминланиш ҳуқуқига эгасан.
- 6-модда. Яшаш ва соғлом ривожланиш ҳуқуқига эгасан.

- 7-модда. Исм билан аталиш фуқароликка, миллатингга эга бўлиш, ўз ота-онангни билиш ҳуқуқига эгасан.
- 13-модда. Ўз қарашларингни, фикрингни эркин ифодалаш, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига эгасан.
- 19-модда. Ота-она ёки ҳар қандай бошқа шахс томонидан ҳақоратланиш, қўпол муомалада бўлишдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгасан.
- 20-модда. Оила ғамхўрлигидан маҳрум бўлганда давлат томонидан кўрсатиладиган алоҳида ҳимоя ва ёрдамни олиш ҳуқуқига эгасан.
- 24-модда. Зарур тиббий ёрдам кўрсатилиш ва соғлигингни сақлаш ҳуқуқига эгасан.
- 26-модда. Ижтимоий таъминот неъматларидан, ижтимоий суғуртадан фойдаланиш ҳуқуқига эгасан.
- 28-модда. Илм олиш ҳуқуқига эгасан.
- 31-модда. Дам олиш ва бўш вақтингни мароқли ўтказиш ҳуқуқига эгасан.
- 32-модда. Иқтисодий эксплуатацияда ҳамда соғлигинг учун хавф-хатар етказиши мумкин бўлган ҳар қандай ишлардан ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эгасан.
- 34-модда. Гиёҳвандлик моддаларидан ғайриқонуний равишда истеъмол қилишдан ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эгасан.
- 37-модда. Қийноқларга ёки бошқа шафқатсизларча жазога дучор этилмаслик ҳуқуқига эгасан.
- 38-модда. Куролли можароларнинг таъсиридан ҳимояланиш ҳуқуқига эгасан.

Ўқитувчи ўқувчиларни рағбатлантириб уларга Конституция ҳақида сўзлаб беради ва саволлар билан мурожаат қилади. Сизлар бирма-бир ўқиб берган ушбу моддаларда ифодаланган шундай ҳуқуқларингиз, яна қандай қонунда акс этишини биласизми? Буни сиз «Конституция алифбоси» сабоқларидан ўзлаштириб олган бўлишингиз керак. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам болаларнинг ҳақ-ҳуқуқлари белгилаб берилган.

Савол: Конституция билан Конвенциянинг ўхшашлиги ва фарқини айтиб бера оласизми?

– Конституция бу – бизнинг асосий қонунимиз. Конвенция эса болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилади.

Мавзуни мустаҳкамлашда “Бинго” машқидан фойдаланилади. Бунда ўқувчиларга қуйидаги жадвалда берилган атамалар ва йиллар тарқатилади.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси 1948 йил Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция

Шахсий ҳуқуқлар 1989 йил “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги Халқаро пакт

Апатридлар Сиёсий ҳуқуқлар Иқтисодий ҳуқуқлар

Ўқувчиларга олдиндан тайёрлаб қўйилган карточкалар тарқатилади. Карточкалардаги жадвалда рақамлар ва атамалар ёзилган бўлади. Ўқитувчи шу

рақамга ёки атамага оид жумлани ўқийди, ўқувчилар ўқиладиган жумлага тегишли рақам ёки атамани жадвалда белгилайди. Саволлар қуйидагича бўлиши мумкин:

1. Фуқаролиги бўлмаган шахслар қандай аталади? (Апатридлар)
2. 1948 йилда қабул қилинган декларация номи? (Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси)
3. “Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция” қачон қабул қилинган?
4. Яшаш ҳуқуқи инсон ҳуқуқларининг қайси турига киради? (Шахсий ҳуқуқлар)
5. Сиёсий бирлашмалар тузиш ҳуқуқи инсон ҳуқуқларининг қайси турига киради? (Сиёсий ҳуқуқлар)
6. Мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи инсон ҳуқуқларининг қайси турига киради? (Иқтисодий ҳуқуқлар)

Ўқитувчи дарсни яқунлайди: Ҳақиқатан ҳам Конституциямизда инсонийлик, инсон манфаатларидан келиб чиққан адолатли қонунлар ифодаланади. Бу ҳақда келгуси дарсимизда суҳбатни давом эттирамиз. Бугун сизлар билан танишган «Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция»да эса болаларга алоҳида ғамхўрлик ва ёрдам кўрсатиш уларнинг ўсиб-улғайишлари учун зарур ҳимоя ва ёрдам билан таъминланиш, уларнинг соғлом ва ҳар томонлама камолоти учун оилада бахт, меҳр-муҳаббат вазиятида бўлиш, жамиятда мустақил ҳаётга тўла тайёрланиш, уларнинг учун эркинлик, тенглик ва бирдамлик руҳида болаларнинг тарбияланиши лозимлиги алоҳида-алоҳида моддаларда аниқ қилиб кўрсатиб берилган. Буларга сизлар моддаларни ўқиб, тушуниб гувоҳи бўлдингиз.

Уйга вазифа: Мавзуда берилган тушунча ва атамаларни конспект қилиб келиш.рс.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси 1948 йил Бола ҳуқуқлари
тўғрисидаги конвенция
Эркинлик 1989 йил “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги Халқаро
пакт
Апатридлар Сиёсий ҳуқуқлар Иқтисодий ҳуқуқлар

Савдо йўллари.

Дарсинг мақсади:

1. Таълимий: ўқувчилар қадимий савдо йўллари ҳақидаги билимларга эга бўладилар;
2. Тарбиявий: Савдо ва савдо йўлларининг давлат тараққиётида тутган ўрни ҳақида муносабатларини шакллантирадилар.

Дарс жиҳози:

1. 5-синфлар учун “Тарихдан ҳикоялар” дарслиги.
2. Дунё сиёсий харитаси, ёзувсиз харита.

Тарқатма материал

Дарс давомида бериладиган атама, тушунча, саналар ёзилган карточкалар.

Янги дарс мазмунининг таянч тушунча ва атамалари, тарихий сана ва исмлар: “Лаъл йўли”, “Шоҳ йўли”, эр. авв. 3-2 минг йилликлар, Афғонистон, Тожикистон, эр. авв. VI-IV асрлар, Эрон, Бактрия, Месопотамия, Миср, “Буёқ Ипак йўли”, 12 000 чақирим, Хуанхе, Сиан, Помир, Ўрта Ер денгизи, Сибир, Қора денгиз, Тянь Шан, Мил.авв. III аср.

Дарсининг бориши:

I. Ташкилий қисм (2 дақиқа).

II. Уй вазифасини такрорлаш (12 дақиқа). Ўқувчиларни гуруҳларга бўлиб, уларга қуйидаги саволлар берилди.

1-гуруҳга: Нима сабабдан одамда пулга эҳтиёж сезила бошлади;

2-гуруҳга: Тангалар дастлаб нимадан ясалган;

3-гуруҳга: Қачондан бошлаб тангалар металдан ясала бошлаган;

4-гуруҳга: Тангаларда рамзларнинг акс этилиши аҳамияти нимада.

О`қувчилар бу саволларга 2 дақиқа тайёргарликдан кейин жавоб берадилар.

III. Янги дарс мавзусини рўёбга чиқариш устида ишлаш (15 дақиқа): Ўқитувчи янги мавзу юзасидан “Кичик маъруза” қилади. Маъруза давомида тилга олинаётган ҳудудларни харитадан кўрсатиб бориш талаб этилади.

1-босқич: Ўқитувчи томонидан “Кичик маъруза” қилинади.

Қадимдан давлат ва халқлар ўртасидаги алоқалар асосан савдо-сотик орқали вужудга келган. Ушбу алоқалар натижасида тил, маданият ва иқтисод ривожланган. Савдо йўллари кесишган ҳудудларда шаҳарлар пайдо бўлган, бекатлар, карвонсаройлар қурилган. Ҳудудидан савдо йўллари ўтган давлатлар йўлнинг хавфсиз бўлишини назорат қилиб туришган, чунки бу йўллар туфайли шу давлатнинг хазинаси бойиган, савдо-сотик ишлари ривожланган.

Ана шундай савдо йўлларида бири эр.авв. 3-2 минг йилликларда вужудга келиб, бу йўлдан асосан Лаъл тоши ташиб ўтилганлиги сабабли, йўл ҳам ўз номи билан “Лаъл йўли” деб аталган. Лаъл ёки ложувард деб аталувчи бу тош (харита) Афғонистон ва Тожикистон ҳудудларидан, яъни Помир тоғларидан қазиб олиниб Эрон, Месопотамия ва Миср орқали ўтган йўл орқали Шарқ

мамлакатларига олиб борилган. Бу тошдан жуда қимматбаҳо заргарлик буюмлари ясалган.

Қадимги савдо йўлларида яна бири эрамиздан аввалги VI-IV асрларда Эрон шоҳлари томонидан очилган ва икки йўналишда бўлган. Биринчи йўналиш (харита) Эрон ҳудудидаги пойтахт шаҳар Суза билан Ўрта Ер денгизи бўйидаги шаҳарларни боғлаган, иккинчи йўналиш эса Эрон, Бактрия орқали Сўғдиёна, Тошкент воҳаси ва Қозоғистон ҳудудидан ўтиб Олтойгача борган.

Узунлиги ва дунё халқларига хизмати муддати жиҳатидан эрамиздан аввалги II асрда вужудга келиб, дунё халқларига ўн етти аср хизмат қилган 12 000 чақиримли “Буюк Ипак йўли”нинг ўзига хос ўрни бор. Йўлнинг бундай аталишига сабаб ундан асосан ипак ташилганлиги ва жуда ҳам узун бўлганлигидир, у Хитой ҳудудидаги Хуанхе дарёси бўйидаги Сиан шаҳридан бошланган. Йўлнинг икки йўналиши бўлиб биринчи йўналиши Хитойдан то Самарқандгача бўлган йўл эди, Самарқандда йўл яна иккига бўлиниб бири Ўрта Ер денгизигача, иккинчиси Россия, Сибир, Кавказ ва Қора денгизгача етиб борган. Иккинчи йўналиш Хитойдан бошланиб, Помир – Тянь-Шан тоғ тизмаларидан ўтиб, Афғонистон ундан Ҳиндостонгача олиб борган.

“Буюк Ипак йўли”нинг “Кумуш йўли” тармоғи асосан юртимиздан қазиб олинган кумушга талаб бўлган мамлакатлар учун хизмат қилган.

2-босқич: Ўқувчилар гуруҳларга бўлинади. Гуруҳларга қуйидаги топшириқлар берилади: Ҳар бир гуруҳ жавобларини ватман қоғозига ёзиб, намойиш этади.

1-гуруҳ: “Лаъл йўли” тўғрисида маълумот беради;

2-гуруҳ: “Шоҳ йўли” тўғрисида маълумот беради;

3-гуруҳ: “Буюк Ипак йўли” тўғрисида маълумот беради;

4-гуруҳ: Савдо йўлларининг давлатлар ва халқлар ҳаётидаги ўрни ҳақда маълумот беради.

IV. Ўтилган мавзунини мустаҳкамлаш. (10 дақиқа)

Бунда “Бинго машқи”дан фойдаланилади.

12 000 Эрон “Лаъл йўли”

Эр.авв. VI-IV асрлар Самарқанд “Шоҳ йўли”

Эр.авв. II аср Сиан “Буюк Ипак йўли”

Ўқувчиларга олдиндан тайёрлаб қўйилган карточкалар тарқатилади. Карточкалардаги жадвалда рақамлар ва атамалар ёзилган бўлади. Ўқитувчи шу рақамга ёки атамга оид жумлани ўқийди, ўқувчилар ўқиладиган жумлага тегишли рақам ёки атамани жадвалда белгилайди. Саволлар қуйидагича бўлиши мумкин:

1. “Лаъл йўли” қачон вужудга келган? (Эр.авв. VI-IV асрлар).

2. “Буюк Ипак йўли”нинг узунлиги қанча бўлган? (12 000 чақирим).

3. “Шоҳ йўли” қайси давлат шоҳлари томонидан очилган? (Эрон шоҳлари).

4. “Буюк Ипак йўли” бошланган шаҳар номи. (Сиан).

5. “Буюк Ипак йўли”нинг биринчи йўналиши қаердан икки тармоққа бўлинган? (Самарқанд).
6. “Буюк Ипак йўли” қачон очилган? (Эр.авв. II аср).
7. Помир тоғларидан бошланиб Мисргача борган йўл номи. (“Лаъл йўли”).
8. Эрон ва Бақтрия орқали Олтойгача борган йўл. (“Шоҳ йўли”).
9. Дунё халқларига ўн етти аср хизмат қилган йўл. (“Буюк Ипак йўли”).

Карточкани биринчи бўлиб тўлдирган ўқувчи “Бинго” деб билдириб қўяди.

V. Дарс яқунларини чиқариш. (4 дақиқа)

1. Мавзуга доир асосий тушунчаларни такрорлаш;
2. О`қувчиларда пайдо бўлган саволларга жавоб бериш;
3. Баҳоларни эълон қилиш.

VI. Уйга вазифани тушунтириш: (2 дақиқа)

1. Мавзу охирида берилган савол ва топшириқлар билан ишлаш;
2. Ёзувсиз харита билан ишлаш.

